

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ФОЗИЛОВ УКТАМ АБДУРАЗЗОҚОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ТИШ-ЖАҒ АНОМАЛИЯЛАРИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ**  
**ВА ОРТОДОНТИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 - Стоматология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc)**  
**илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО - 2024**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)**

**Фозилов Уктам Абдураззоқович**

Болаларда тиш-жағ аномалияларини эрта ташхислаш ва ортодонтик даволаш усулларини такомиллаштириш ..... 5

**Фозилов Уктам Абдураззоқович**

Совершенствование ранней диагностики и ортодонтического лечения у детей с зубочелюстными аномалиями ..... 33

**Fozilov Uktam Abdurazzoqovich**

Improving early diagnosis and orthodontic treatment in children with dental anomalies ..... 61

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

Lists of published works..... 69

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ФОЗИЛОВ УКТАМ АБДУРАЗЗОҚОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ТИШ-ЖАҒ АНОМАЛИЯЛАРИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШ**  
**ВА ОРТОДОНТИК ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 - Стоматология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc)**  
**илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**БУХОРО - 2024**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълими, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/Tib709 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий консультант**

**Олимов Сиддиқ Шарифович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар**

**Хабибова Назира Насуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Нуриева Наталья Сергеевна**  
тиббиёт фанлари доктори  
(Россия Федерацияси)

**Abubekir Eltas**  
тиббиёт фанлари доктори  
(Туркия Республикаси)

**Етакчи ташкилот**

**Санкт-Петербург давлат университети**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Ғиждувоний кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Ғиждувоний кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси.

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Казакова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда стоматологиянинг ортодонтия соҳасида юз-жағ соҳасининг тиш-жағ аномалия ва деформацияларини эрта ташҳислаш ва даволашнинг самарали натижаларини олиш соҳанинг долзарб муаммоларидан биридир. Мутахассисларнинг фикрига кўра «...тиш-жағ аномалия ва деформациялари стоматологик касалликларнинг тарқалиши бўйича 60-65% ини эгаллайди...»<sup>1</sup>. Стоматология амалиётида юз-жағ аномалияларини эрта аниқлаш, унинг натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган деформацияни олдиндан прогнозлаш ҳамда олдини олиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш ортодонтиянинг етакчи вазифаларидан биридир. Тиш-жағ аномалия ва деформацияларини эмбрионал ривожланиш давридан бошлаб, эндоген ва экзоген келтириб чиқарувчи омилларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш усулларини ишлаб чиқиш уларни стоматологик амалиётга тадбиқ қилиш ортодонтиянинг истиқболли режаларидан биридир. Юз-жағ тизими аномалиялари билан туғилган болаларда хирургик муолажалар билан ҳамоҳанг, ортодонтик ёрдам кўрсатиш, келиб чиқиши мумкин бўлган деформациянинг олдини олиш, мушаклар миофункционал мувозанатини тиклаш орқали стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифатини яхшилаш ортодонтиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Дунё миқёсида ортодонтик даволашда болаларда тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини эрта прогнозлаш истиқболли белгилаш ва аниқлаш, шунингдек ташҳислаш, даволаш ҳамда профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш бўйича кенг миқёсли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тиш-жағ аномалияларини эрта ташҳислаш ва даволашга бўлган максимал яқин ёндошувни ишлаб чиқиш, ортодонтик беморларни даволашда стабил эстетик натижани олиш ва рецидивлар сонини камайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга қарамадан ташҳислашнинг мавжуд усуллари етарли эмас, бу эса тадқиқотнинг қўшимча усулларига бўлган қатъий заруратни юзага келтиради. Ушбу жиҳатдан болаларга ортодонтик ёрдам кўрсатишнинг сифат кўрсаткичларини оширишга йўналтирилган даволаш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида ортодонтик ёрдам кўрсатишни тубдан такомиллаштириш, жумладан юз-жағ аномалияларини эрта ташҳислаш ва уни асоратланган деформацияларга ўтишининг олдини олиш бўйича асосли натижалар олинган. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор йўналиши 56-мақсад, 4-қисмида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2026 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини тадбиқ этишга қаратилган чора-

---

<sup>1</sup>Денисова Ю.Л. Комплексное лечение пациентов с рецессией десны в сочетании с зубочелюстными аномалиями // Журнал стоматологии. Минск. 1(12).2014. С.17-30.

тадбирлар мажмуини амалга ошириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шунга асосан болаларда тиш-жағ аномалияларини эрта ташхислаш ва ортодонтик даволаш усулларини такомиллаштириш, янги ортодонтик мосламаларни ишлаб чиқиш ҳамда улар самарадорлигини ошириш аҳамиятли бўлган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4887-сон, 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон қарорлари ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларнинг бажаришга муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи** <sup>3</sup>.

Турли ёшдаги болаларда юз-жағ аномалиялари ва деформациялари учраши, уларни ортодонтик ташхислаш ва даволаш самарадорлигини клиник-патогенетик асослашга қаратилган тадқиқотлар дунёнинг қуйидаги илмий марказлар ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда: Federal University of Uberlândia, Universidade Federal do Rio de Janeiro (Brazil); Medical University of Bialystok (Poland); University of Novi Sad (Serbia); Kagoshima University, Tokyo Medical Dental University (Japan); University of Cagliari, University of Ferrara (Italy); Kyungpook National University, Seoul National University (South Korea); Peking University (China); University of Copenhagen (Denmark); Universidad de Antioquia (Colombia); Sir John Walsh Research Institute (New Zealand); Islamic Azad University (Iran); University of Sydney, University of Western Australia (Australia); University of Manchester (England); University of Amsterdam, The Netherlands University (Netherlands); Cairo University (Egypt); Тошкент давлат стоматология институти (Uzbekistan).

Жаҳонда болаларда юз-жағ аномалиялари ва деформацияларини аниқлаш, эрта ва аниқ ташхислаш, самарали ортодонтик даво усулларини яратиш, бунинг учун турли ортодонтик мосламаларни ишлаб чиқиш ҳамда ортодонтик амалиётга жорий этиш, бўйича қуйидаги қатор илмий натижалар олинган: юз-жағ аномалиялари ва деформацияларини аниқлаш ва учраш

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

<sup>3</sup><https://www.osteomyelitiscenter.com/>; <https://www.oatext.com/>; <https://wexnermedical.osu.edu/>; <https://www.seattle-science-foundation.org/>; <https://journals.plos.org/>; [wexnermedical.osu.edu](https://wexnermedical.osu.edu/) (<https://wexnermedical.osu.edu/>); <https://www.uthscsa.edu/>; <https://www.ouh.nhs.uk/>; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/>; <https://www.escomid.org/>

даражасини қиёсий ўрганиш, клиник, ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини баҳолаш (Tokyo Medical Dental University, Japan); болаларда аниқланган ушбу патологиялар шаклланиши ва хавф омиллари, шунингдек, уларни эрта ташхислаш мажмуавий усуллари ишлаб чиқилган (Universidade Federal do Rio de Janeiro, Brazil); болаларда учрайдиган юз-жағ аномалиялари ва деформацияларини ортодонтик даволаш самарадорлигини ошириш, бунинг учун турли ортодонтик мосламалар ишлаб чиқишга концептуал ёндашув бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Kyungpook National University, South Korea); юз-жағ аномалиялари ва деформацияларини даволаш, олдини олиш самарадорлигини ошириш орқали ушбу патологиялардан азият чекишни камайтириш, болалар ҳаёт сифатини ошириш (University of Ferrara, Italy) борасида кўплаб ишлар қилинган.

Бундан ташқари, Республикамизда юз-жағ аномалия ва деформациялари тарқалиши, ортодонтик даволаш самарадорлигини ошириш, бунинг учун турли мосламалар яратиш ҳамда уларни стоматологик амалиётга жорий этиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар кам ўтказилган, бу эса ўз навбатида кўплаб ушбу патологиялар кузатилган болалар ҳаёт сифатининг пастлиги, уларнинг жамиятимизга тўлақонли қўшилиб кетишига халақит бераётган омиллардан ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда дунё миқёсида ортодонтия соҳасида аҳамиятли даражадаги ўзгаришлар рўй берди. Агар илгари ечиладиган аппаратлар 90% ҳолатларда қўлланилган бўлса, ҳозирги вақтда улар фақатгина 16% кузатувларда ишлатилмоқда. Бугунги кунда 84% беморларга ечилмайдиган - қотирилган аппаратлардан фойдаланган ҳолда даволаш олиб борилади (Шулькина Н.М. ва ҳаммуал., 2019). Болаларда биринчи доимий молярларнинг эрта йўқолиши латериал тишларнинг силжиши натижасида тиш-жағ тизими деформациясининг ривожланиши учун хавф омилдир (Нигматова И.Р. ва ҳаммуал., 2019).

Алмашинув тишлов даврида ортодонтик даволашда олинадиган ва олинмайдиган ортодонтик мосламалар ёрдамида амалга оширилади. Олиб қўйиладиган ортодонтик аппаратлар ўзгарувчан таъсирга эга бўлиб, мунтазам равишда пайдо бўладиган жағларнинг тинч ҳолати босқичи билан тавсифланади, тишларнинг тўлиқ ҳаракатини эмас, балки қия-айланма ҳаракатини келтириб чиқаради, бу кўпинча керакли даволаш таъсирининг йўқлигига ёки тез релапсга олиб келади.

Мамлакатимиз ва хорижий ортодонтиларнинг илмий-тадқиқот ишларида келтирилишича, олиб қўйиладиган ортодонтик мосламалар катта ҳажмга эга ва тиш қаторларида жуда кўп жой эгаллайди, бунинг натижасида дикцияни ёмонлаштиради. Айрим ҳолатларда пластмассага аллергик реакцияларни келтириб чиқариши мумкин ва боланинг руҳий ҳолатига таъсир этиб, шифокор ва ота-оналар билан ҳамкорлик ёндашувини талаб қилади (Нигматов Р.Н. ва ҳаммуал., 2018).

Болаларда тиш-жағ аномалиялари (ТЖА) ва деформацияларини даволашда интраорал аппарат элементлари - “тишлов” учун юқори жағ кесувчи тишлар танглай юзасига маҳкамланадиган брекетлардан фойдаланиш таклиф этилган ишлар ҳам мавжуд. Ортодонтик ёрдам сифатини ошириш, натижаларнинг турғунлиги, ТЖА мавжуд болаларни эрта ташҳислаш ва даволашга боғлиқ. Эрта даволаш натижалари турғун бўлиб, камдан кам ҳолатда қайталанган, чунки ўсиб келаётган тўқималар ривожланиши, тишларнинг ёриб чиқиши ва илдизлар шаклланишида алвеоляр ўсиқларнинг ўсиб ривожланиши билан боғлиқ ҳолда кечган (Хорошилкина Ф.Я., Персин Л.С., 2018).

Эрта болалик ёшида профилактика чораларини олиб бориш вақтида тиш-жағ тизими (ТЖТ) физиологик ривожланишини қайта тиклаш имконини берган. Вақтинча тишлов даврида логопед билан машғулотларда товушларни тўғри талаффуз қилишга ўргатиш, миогимнастика, оғиз бўшлиғи санацияси, нуқсонли вақтинча ва доимий тишларни ўз вақтида қайта тиклаш ёки ўрнини тўлдириш муолажалари олиб борилган.

Олимов С.Ш. (2019) фикрича, сагиттал окклюзияда ташҳисланган тиш-жағ деформациялари бўлган беморларни клиник текшириш турли ёшдаги болалар ва ўсмирларда окклюзия ривожланишининг морфофункционал хусусиятлари, аксарият ҳолларда, турли патологик ҳолатларнинг пайдо бўлиш частотасига боғлиқ бўлади.

Тиш ёйларини геометрик-график кўпайтириш усулидан фойдаланган ҳолда, сут тишларининг жипс жойлашув даврида тиш ёйларининг конфигурациясини олиш таклиф қилинган илмий манбалар мавжуд. Бу тавсия этилган усул тишлар бўйин соҳаси, латерал қисмлари ўлчамлари ўртасидаги конфигурациянинг боғлиқлигига асосланган. Иккинчи молярларнинг дистал юзасига қадар сагиттал ўлчам ёриқ ва соғлом томонларини таққослайди (Дмитриенко М.И. ва ҳаммуал., 2014).

Турли ёшдаги беморларда ТЖТ деформацияларини ортодонтик даволаш стратегияси, ортодонтик асбобларни танлаш ТЖТ патологияларининг этиологик ва патогенетик таркибий қисмларига боғлиқлиги кўрсатилган. У ёки бу ортодонтик мосламаларни тўғри танлаш эса беморнинг оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолати, ортодонтик лабораториянинг имкониятлари ва ортодонтнинг профессионал қобилиятига боғлиқ (Folayan M.O. et al., 2020).

Ҳозирги вақтда ортодонтик даволаш жараёнида профилактиканинг кўпгина принципиал жиҳатлари ҳанузгача тўлиқ ўз ечимини топмаган. Ортодонтияда чуқур фторлаш усулини қўллаш ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас. Ортодонтик даволаш жараёнида каппалар ёрдамида тиш эмали резистентлиги ва реминерализацияловчи воситалар самарадорлигини баҳолаш масалалари етарлича очиб берилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти (02.2022 DSc 139)

илмий-тадқиқот ишларининг режасига мувофиқ “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш (2022-2026 й.)” мавзуси доирасида олиб борилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** эрта ёшли болаларда тиш-жағ аномалиялари ва деформацияларини янги ортодонтик мосламалар ишлаб чиқиш ёрдамида эрта ташҳислаш ва ортодонтик даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат бўлган.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

эрта ёшли болаларда жағ ўлчамлари, жағларнинг калла суяги асосига нисбатан жойлашуви, тиш ёйлари нисбати ва тиш жойлашуви нуқсонларининг қиёсий ташҳисини ўтказиш ва баҳолаш;

эрта ёшдаги болаларда тиш-жағ тизими функционал бузилишлари ҳамда юз-жағ нуқсонларини ташҳислаш жиҳатларини аниқлаш ва баҳолаш;

ўрганилган контингентда юз формаси олд ва ён томонлари, шунингдек, антропометриясини ўрганиш орқали сут ва доимий тишлар аномалиялари ҳамда деформацияларини қиёсий тавсифлаш;

эрта ёшли болаларда тишлар орасидаги ўлчамга қараб жағларнинг трансверсал йуналишда торайишини аниқлаш ва уларни ташҳислашга янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш;

эрта ёшдаги болаларда сут тишлар тишловида жағлар ўлчамларини аниқлаш орқали тиш-жағ тизими аномалиялари ва деформацияларининг эрта ташҳисотини мукамаллаштириш;

тиш-жағ аномалиялари ёки деформациялари кузатилган болаларда олиб қўйилмайдиган ва олиб қўйилмайдиган ортодонтик аппаратлар билан даволашни такомиллаштириш;

юз-жағ аномалиялари кузатилган болаларда эрта ташҳислаш ва ортодонтик даволаш усуллари самарадорлиги, ортодонтик даволашнинг олис натижаларига қараб аниқлаш ва қиёсий баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2019-2022 йиллар давомида Бухоро вилояти ихтисослаштирилган болалар стоматология маркази ортодонтия бўлимида тиш-жағ тизими аномалия ва деформациялари билан мурожаат қилган 18 ёшгача бўлган 440 нафар бемор болалар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тиш-жағ аномалиялари, деформациялари ривожланаётган мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар стоматологик, клиник-функционал, антропометрик тадқиқот натижалари, пародонтал ва гигиеник индекслар материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида стоматологик, клиник-функционал, антропометрик, ортодонтик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор юқори жағ биосимметриясининг уч томонлама тотал торайишини самарали даволовчи, асоратларсиз, тез ва бемор учун қулай усулда кенгайтира

оладиган ортодонтик мослама ишлаб чиқилган, унда лаб мушакларини бўшаштирувчи лаб пилотлари мавжудлиги, юқори жағни сагиттал йўналишда суриш кучининг ортиши каби иккита хусусият унинг яқин аналогларида мавжуд эмаслиги исботланган;

илк бор юз-жағ соҳаси нуқсони билан туғилган чақалоқларда ҳаётининг биринчи кунндаёқ оғиз бўшлиғи обтуратори қўйиш орқали бир вақтнинг ўзида сўриш, ютиш, нафас олиш функцияларини тиклашга эришилган, обтураторни эрта қўллаш натижасида туғма нуқсон билан туғилган болаларда она кўкрагини эмизиш орқали табиий озиклантириш имконияти яратилган;

илк бор аралаш тишлов даврида юқори жағнинг икки томонлама тўлиқ ёриғи бўлган болаларни даволашда жағ юқори марказий фрагментини дистал томонга силжитиш, икки ён фрагментларни трансверзал йўналишда кенгайтириш, миофункционал мувозанатни тиклаш, юмшоқ танглай қисмини ортодонтик мослама билан узайтириш орқали нуқсонни ёпиш ва нутқни шакллантиришга эришилган, юқори жағда жойлаштириладиган мосламанинг базис қисмида юқори танглай герметиклигини таъминловчи қопламанинг бўлиши, бунда қопламанинг, ҳам нафас олиш, ҳам нутқ шаклланишига имкон бериши бошқа аналоглардан кўра афзаллиги кўрсатиб берилган;

тиш-жағ тизими аномалиялари асорати бўлган доимий тишлар тишлови давридаги патологик окклюзияларни даволаш учун тиш эмали резистентлиги ўртача ва юқори, кариес пломба олиш даражаси паст бўлганда олинмайдиган ортодонтик мосламалар, тиш эмали резистентлиги паст, кариес пломба олиш даражаси юқори бўлганда ортодонтик ечиладиган пластинка базисли мослама қўлланилганда даволашнинг клиник самарадорлиги, ортодонтик даволашнинг олис натижалари (6 ва 12 ой) самарадорлиги исботланган, ишлатиш йўллари мукамаллаштирилган;

тиш-жағ тизими аномалияларида болаларнинг биринчи сут тишлари чуққунча, шаклланаётган ва шаклланган сут тишлар тишлови, эрта ва кечки алмашинув тишлови, шаклланган доимий тишлар тишлови даврлари учун ортодонтик профилактик тадбирлар ҳар бир патологияга мос илк бор оптималлаштирилган, унга амал қилиниши деформацияларнинг олди олиниши, мушаклар миофункционал мувозанатини тиклаш орқали патологик окклюзиялар бартараф қилиниши, тишлар чиқиш қоидалари бузилиши, тиш қаторларининг шакл ва кўриниши ўзгаришларига олиб келишининг олди олиниши исботлаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илк бор юқори жағ тотал торайишида қўлланиладиган ортодонтик мослама ишлаб чиқилган ва бемор болаларда муваффақиятли қўлланилган, унинг шунга ўхшаш бошқа аналоглардан устун томонлари борлиги исботланган ва ушбу мосламанинг чизмаси асосида 3D кўриниши тайёрланиб, фойдаланиш учун тавсия қилинган;

юз-жағ соҳаси аномалияси бор чақалоқларда ҳаётининг биринчи кунндаёқ оғиз бўшлиғи обтуратори қўйиш орқали бир вақтнинг ўзида барча

функциялар (сўриш, ютиш, нафас олиш) тикланишига эришилгани ҳолатининг стоматологик амалиётга жорий этилиши ушбу патологиянинг кўплаб асоратларининг олди олинишини кўрсатган, ушбу ортодонтик мослама бола сут тишлари чиққунча, сут тишлар чиқиш даврида ва шаклланган сут тишлар прикуси даврида хейлопластика, веллопластика ва уронопластика операцияларигача қўллаш тавсия этилган;

турли ёшдаги болаларда мезиал окклюзияни ортодонтик даволашнинг янги мослама ва усуллари ишлаб чиқилган, клиник синамадан ўтказилган, уларнинг болалар учун сўриш ва бошқа функцияларининг тиклашдаги роли кўрсатилган, ортодонтик даволаш учун биологик жиҳатдан хавфсиз, тиббий жиҳатдан ишончли, иқтисодий жиҳатдан самарали, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли, ортодонтик жиҳатдан муваффақиятли турли мосламалар ишлаб чиқилгани ва стоматологик амалиётга тавсия этилгани ушбу касалликлар даволанишига янгича ёндошиш сифатида эътироф этилган;

юзнинг формаси, шакли, олд ҳамда ён томонлари, антропометрик кўрсаткичларини аниқлаш орқали сут ва доимий тишлар аномалиялари ҳамда деформацияларини олдини олиш тадбирлари ишлаб чиқилган ҳамда ортодонтик амалиётга жорий этилган;

эрта ёшли болаларда пастки жағ курак тишлар ўлчамларига қараб жағларнинг трансверзал йўналишда торайиши аниқланган, шу асосда уларда эрта ташҳислаш амалга оширилган ва стоматологик, жумладан ортодонтик амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, замонавий, бир бирини тўлдирувчи стоматологик, ортодонтик, клиник-функционал, инструментал ва статистик усуллар қўлланилганлиги, клиник тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғри бажарилганлиги, етарли даражада клиник материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотчилар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижалар ва қилинган асосли хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор юқори жағ уч томонлама тотал торайишини самарали даволовчи ортодонтик мослама ишлаб чиқилганлиги, унинг яқин аналогларидан устунлиги кўрсатилганлиги, юз-жағ соҳаси нуқсони билан туғилган чақалоқларда ҳаётининг биринчи кундаёқ оғиз бўшлиғи обтуратори қўйиш орқали бир вақтнинг ўзида сўриш, ютиш, нафас олиш функцияларини тиклашга эришилганлиги, аралаш тишлов даврида юқори жағнинг икки томонлама тўлиқ ёриғи бўлган болаларни даволашда ортодонтик мослама билан узайтириш орқали нуқсонни ёпиш ва нутқни шакллантиришга эришилганлиги, патологик окклюзияларни даволаш учун тиш эмали резистентлиги ўртача ва юқори, кариес пломба олиш даражаси паст олинмайдиган ортодонтик мосламалар, тиш эмали резистентлиги паст,

кариес пломба олиш даражаси юқори бўлганда ортодонтик ечиладиган мослама қўлланилганда даволашнинг клиник ва ортодонтик даволашнинг олиш натижалари (6 ва 12 ой) самарадорлиги исботланганлиги, ишлатиш йўллари мукамаллаштирилганлиги, тиш-жағ деформацияларини ортодонтик мосламалар билан даволаш тугагач, касаллик рецидивини олдини олиш мақсадида ортодонтик профилактик тадбирлар тавсия этилганлиги билан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти юқори жағ тотал торайишида қўлланиладиган ортодонтик мослама ишлаб чиқилиб, унинг чизмаси асосида 3D кўриниши тайёрланиб, фойдаланиш учун тавсия қилинганлиги, юз-жағ соҳаси аномалияси бор чақалоқларда ҳаётининг биринчи кундаёқ оғиз бўшлиғи обтуратори қўйиш орқали бир вақтнинг ўзида барча функциялар (сўриш, ютиш, нафас олиш) тикланишига эришилганлиги, хейлолопластика, вейлопластика ва уронопластика операцияларигача қўллаш тавсия этилганлиги, ортодонтик даволаш учун биологик жиҳатдан хавфсиз, тиббий жиҳатдан ишончли, иқтисодий жиҳатдан самарали, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли, ортодонтик жиҳатдан муваффақиятли турли мосламалар ишлаб чиқилганлиги, эрта ёшли болаларда пастки жағ курак тишлар ўлчамларига қараб жағларнинг трансверзал йўналишда торайиши аниқланиб, шу асосда эрта ташҳислаш амалга оширилганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор юқори жағ биосимметриясининг уч томонлама тотал торайишини самарали даволовчи, асоратларсиз, тез ва бемор учун қулай усулда кенгайтира оладиган ортодонтик мослама ишлаб чиқилган, унда лаб мушакларини бўшаштирувчи лаб пилотлари мавжудлиги, юқори жағни сагитал йўналишда суриш кучининг ортиши каби иккита хусусият унинг яқин аналогларида мавжуд эмаслиги исботланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: юқори жағ уч томонлама тотал торайишини самарали даволовчи ортодонтик мослама ишлаб чиқилганлиги, унинг яқин аналогларидан устунлиги кўрсатилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий маълумотлар Сурхондарё вилояти болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (27.09.2023 й.; № 24-Т) ҳамда Бухоро вилояти Олот туман тиббиёт бирлашмаси стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (28.09.2023 й.; № 177-Т) билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти юз-жағ аномалиялари бўлган болаларни тиш-жағ тизими ҳолатини аниқлаш ва бу ҳолатда стоматологик ёрдам кўрсатиш биринчи қатновиданоқ беморларнинг анамнезлари ва ташҳислашга асосланиб, самарали даволашга эришилиши, такомиллаштирилган ортодонтик мосламалар, III томонга кенгайтирувчи пластинка базисли ортодонтик аппаратлар билан самарали даволаш усулларини стоматологлар амалиётида муваффақиятли фойдаланиш имконини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги тиш-жағ аномалия ва деформацияларини оғирлик даражасига қараб, юқори жағ ялпи торайиши аниқланган беморлар ёшини ҳисобга олиб, комплекс даволаш, қатнов сонини 25-30% гача камайтирилиши, 8-10 ойлик даволаш муддатини 6-8 ойгача камайтирилганлиги, иккита ортодонтик аппарат ўрнига битта такомиллаштирилган ортодонтик аппарат қўлланилиши, беморлар чайнов самарадорлигини физиологик ҳолати тикланиши, клиник белгиларининг яхши томонга ўзгариши, соғломлаштиришга эришилганлиги билан изоҳланган. Бир беморда ташҳислаш учун харажатлар миқдори 145 000 сўм бўлгани ҳолда беморлар чекланган сонини 21 нафар бемор комплекс даволашда даво муддати 5 қатновга қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик ҳисоблаб чиқилди ва бюджет маблағларини 4 млн 972 минг 968 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда профилактика ва беморларда асоратларнинг олдини олиш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга эришилган.

Хулоса: янги ортодонтик мосламани даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 145 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: «Юқори жағ торайиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзияни даволаш усулларини такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2023 йил 7 октябрда 04/5742-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор юз-жағ соҳаси нуқсони билан туғилган чақалоқларда ҳаётининг биринчи кундаёқ оғиз бўшлиғи обтуратори қўйиш орқали бир вақтнинг ўзида сўриш, ютиш, нафас олиш функцияларини тиклашга эришилган, обтураторни эрта қўллаш натижасида туғма нуқсон билан туғилган болаларда она кўкрагини эмизиш орқали табиий озиқлантириш имконияти яратилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: юз-жағ соҳаси нуқсони билан туғилган чақалоқларда ҳаётининг биринчи кундаёқ оғиз бўшлиғи обтуратори қўйиш орқали бир вақтнинг ўзида сўриш, ютиш, нафас олиш функцияларини тиклашга эришилганлиги, аралаш тишлов даврида юқори жағнинг икки томонлама тўлиқ ёриғи бўлган болаларни даволашда ортодонтик мослама билан юмшоқ танглай функционал қисмини узайтириш орқали нуқсонни ёпиш ва нутқни шакллантиришга эришилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий маълумотлар Сурхондарё вилояти болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (27.09.2023 й.; № 24-Т) ҳамда, Бухоро вилояти Олот туман тиббиёт бирлашмаси стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (28.09.2023 й.; № 177-Т) билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти юз-жағ аномалияси бўлган болаларни ортодонтик мослама ва комплекс терапевтик усуллардан фойдаланиб, даволашнинг тавсия этилган техникаси беморларнинг тезроқ тузалиши, поликлиникага қатнаш кунларини қисқартириш ва беморлар, улар оила аъзоларининг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги ҳар беморни ташҳислаш учун харажатлар миқдори 145 000 сўм бўлгани ҳолда 21 нафар бемор комплекс даволашда даво муддати 5 катновга қисқариши ҳисобига бюджет маблағларини 4 млн 972 минг 968 сўмга иқтисод қилиш имконини берган. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда профилактика ва беморларда асоратларнинг олдини олиш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга эришилган.

Хулоса: янги ортодонтик мосламани даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 236800 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: «Юқори жағ торайиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзияни даволаш усулларини такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2023 йил 7 октябрда 04/5742-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор аралаш тишлов даврида юқори жағнинг икки томонлама тўлиқ ёриғи бўлган болаларни даволашда жағ юқори марказий фрагментини дистал томонга силжитиш, икки ён фрагментларни трансверзал йўналишда кенгайтириш, миофункционал мувозанатни тиклаш, юмшоқ танглай қисмини ортодонтик мослама билан узайтириш орқали нуқсонни ёпиш ва нутқни шакллантиришга эришилган, юқори жағда жойлаштириладиган мосламанинг базис қисмида юқори танглай герметиклигини таъминловчи қопламнинг бўлиши, бу эса ҳам нафас олиш, ҳам нутқ шаклланишига имкон бериши бошқа аналоглардан кўра афзаллиги кўрсатиб берилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: юқори жағ тотал торайишида қўлланиладиган ортодонтик мослама ишлаб чиқилиб, унинг чизмаси асосида 3D кўриниши тайёрланиб, фойдаланиш учун тавсия қилинганлиги, юз-жағ соҳаси аномалияси бор чақалоқларда ҳаётининг биринчи кундаёқ оғиз бўшлиғи обтуратори қўйиш орқали бир вақтнинг ўзида барча функциялар (сўриш, ютиш, нафас олиш) тикланишига эришилганлиги, хейлолопластика, веллопластика ва уронопластика операцияларигача қўллаш тавсия этилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий маълумотлар Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (26.09.2023 й.; № 58-и) ҳамда, Навоий вилоят Қизилтепа туман тиббиёт

бирлашмасига қарашли стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (29.09.2023 й.; № 962) билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти тиш-жағ аномалияси бор бўлган болаларда такомиллаштирилган усуллардан фойдаланиб, ортодонтик даволашнинг тавсия этилган техникаси беморларнинг тез тузалиши, поликлиникага қатнаш кунларини қисқартириш, беморлар ва улар оила аъзоларининг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги тадқиқот давомида бюджет маблағларини 4 млн 972 минг 968 сўмга иқтисод қилиш имконини бергани ҳолда иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда асоратларнинг олдини олиш билан боғлиқ харажатларни камайтиришга эришилган.

Хулоса: янги отопедик мосламанинг даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 145 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: «Юқори жағ торайиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзияни даволаш усулларини такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2023 йил 7 октябрда 04/5742-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: тиш-жағ тизими аномалиялари асорати бўлган доимий тишлар тишлови давридаги патологик окклюзияларни даволаш учун тиш эмали резистентлиги ўртача ва юқори, кариес-пломба-олиш даражаси паст бўлганда олинмайдиган ортодонтик мосламалар, тиш эмали резистентлиги паст, кариес-пломба-олиш даражаси юқори бўлганда ортодонтик ечиладиган пластинка базисли мослама қўлланилганда даволашнинг клиник самарадорлиги, ортодонтик даволашнинг олис натижалари самарадорлиги исботланган, ишлатиш мукаммаллаштирилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: патологик окклюзияларни даволаш учун тиш эмали резистентлиги ўртача ва юқори, кариес-пломба-олиш даражаси паст олинмайдиган ортодонтик мосламалар, тиш эмали резистентлиги паст, кариес-пломба-олиш даражаси юқори бўлганда ортодонтик ечиладиган мослама қўлланилганда даволашнинг клиник самарадорлиги, ортодонтик даволашнинг олис натижалари (6 ва 12 ой) самарадорлиги исботланган, ишлатиш йўллари мукаммаллаштирилганлиги, тиш-жағ деформацияларини ортодонтик мосламалар билан даволаш тугагач касаллик рецидивини олдини олиш мақсадида ортодонтик профилактик тадбирлар тавсия этилганлиги билан асосланган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Сурхондарё вилояти болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (27.09.2023 й.; № 24-Т) ҳамда, Бухоро вилояти Олот туман

тиббиёт бирлашмаси стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (28.09.2023 й.; № 177-Т) билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти патологик окклюзия ҳамда тиш-жағ аномалиялари бўлган болаларда эрта ташҳислаш усулларида фойдаланиб, ортодонтик даволаш тавсия этилган техникаси беморларнинг тез тузалиши, поликлиникага қатнаш кунлари қисқартириши, беморлар ва улар ота-оналарининг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги бир нафар бемор учун тиш-жағ аномалияларини эрта ташҳислаш учун харажатлар миқдори 37380 сўм; даволаш ҳаражати 742 000 сўмни ташкил қилган. Комплекс даволашда даволаш муддатини 5 мартага қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорлик ҳисобланган, тадқиқот бажариш ҳисобига бюджет маблағларини 5 461 120 сўмга иқтисод қилиш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Хулоса: янги ташҳислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 109 222 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: «Патологик окклюзия ҳамда тиш-жағ деформацияларини эрта ёшли болаларда ташҳислаш орқали оғир патологияларни олдини олиш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2023 йил 7 октябрда 04/5742-сонли хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: тиш-жағ тизими аномалияларида болаларнинг биринчи сут тишлари чуққунча, шаклланаётган ва шаклланган сут тишлар тишлови, эрта ва кечки алмашинув тишлови, шаклланган доимий тишлар тишлови даврлари учун ортодонтик профилактик тадбирлар ҳар бир патологияга мос илк бор оптималлаштирилган, унга амал қилиниши деформацияларнинг олди олиниши, мушаклар миофункционал мувозанатини тиклаш орқали патологик окклюзиялар бартараф қилиниши, тишларнинг чиқиш қоидалари бузилиши, тиш қаторларининг шакл ва кўриниши ўзгаришларига олиб келишининг олди олиниши исботлаб берилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Умумий амалиёт стоматологияга амбулатор шароитда тиш-жағ аномалияларини ортодонтик мосламалар билан даволаш тугагач касаллик рецидивини олдини олиш мақсадида ортодонтик профилактик тадбирлар тавсия этилганлиги ва даволаш самарадорлигини оширишга эришилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Хоразм вилоят болалар стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (26.09.2023 й.; № 58-и) ҳамда Навои вилояти Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмаси стоматология поликлиникаси бўйича буйруқ (29.09.2023 й.; № 962) билан амалиётга жорий этилган.

Илмий янгиликнинг ижтимоий аҳамияти тиш-жағ аномалия ва деформацияларини қулай, осон, оммабоп, кам харажатли, мукамал усуллардан фойдаланиб, эрта аниқлаш ва такомиллаштирилган ортодонтик даволаш тавсия этилганлиги, бемор болаларнинг тезроқ тузалиши, поликлиникага қатнаш кунларини қисқартирилиши ва бемор болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берганлиги билан асосланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги даволаш харажати 742 000 сўмни ташкил қилганлиги, комплекс даволашда даволаш муддатини 5 мартага қисқариш ҳисобига иқтисодий самарадорлик белгиланди ва умумий тадқиқот ҳисобига бир нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 5 461 120 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 1 200 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Хулоса: янги ташҳислаш ва даволаш амалиётининг жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 5 461 120 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 1 200 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиш: «Патологик оклюзия ҳамда тиш-жағ деформацияларини эрта ёшли болаларда ташҳислаш орқали оғир патологияларни олдини олиш» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2023 йил 7 октябрда 04/5742-сонли хат юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида бажарилган илмий-тадқиқот иши долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича

маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болаларда тиш-жағ аномалияларини эрта ташҳислаш ва ортодонтик даволаш усулларини ўрганиш натижалари замонавий ҳолати: илмий манбалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида охириги йиллардаги ватандош ва хорижий тадқиқотчилар чоп этган илмий манбалар шарҳи келтирилган. Унда ТЖА ва деформацияларини эрта ташҳислаш ортодонтик аномалияни тузатиш усулини танлаш ва унинг ривожланишини прогноз қилиш учун асос бўладиган, тиш-жағ тизимида ўрганиладиган кўрсаткичлар миқдори, вақтинча, алмашувчи ва доимий тишлов босқичларида беморларда диагностика ўтказиш, ортодонт ёрдамини режалаштириш ва унинг сифатини баҳолашни аниқловчи, даволаш жараёни тактикаси ва техник таъминотига замонавий ёндашувларни даволаш ҳамда олдини олиш усулларини амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш асослари талқин ва таҳлил этилган.

Диссертациянинг **“Эрта ёшли болаларда патологик окклюзия ҳамда тиш-жағ деформацияларини ташҳислашни мукамаллаштиришни ўрганиш бўйича материал ва усуллар”** деб номланган иккинчи бобида диссертацияни бажаришда фойдаланилган замонавий усуллар ва тадқиқот материали батафсил келтирилган.

Ортодонтик беморларда ҳамда касаллик клиник белгиларини эрта ташҳислаш, болаларда чайнов самарадорлигининг физиологик функцияларни тиклашни ташкил этиш бугунги кунда ортодонтик стоматологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Патологик окклюзияли болаларда ТЖТ нинг ўсиш, тишлар ёриб чиқиш устунликларидан фойдаланиш, даволаш қийин бўлган, катта ўринни эгалловчи деформациялар содир бўлишидан олдин олдини олиш имконини беради. ТЖТ соҳасида физиологик ривожланишни қайта тиклаш, ТЖТ да оғир бузилишларнинг олдини олиш ва болалар саломатлигини қайта тиклаш учун сут тишлар тишлови ва тишлар алмашуви даврида патологик окклюзияни тузатишнинг янги усулини ишлаб чиқиш истиқболли ҳисобланади.

Илмий-тадқиқот ишига Бухоро вилоят болалар ихтисослаштирилган стоматология марказига 4,5 ёшдан 18 ёшгача бўлган ТЖА ва деформациялари билан мурожаат қилган 440 нафар ортодонтик беморлар олинган. Ушбу тадқиқот натижаларини қайд қилиш мақсадида ишлаб чиқилган **“Ортодонтик беморлар касаллик тарихи варақаси”** ёрдамида объектив ва субъектив сўровлар, клиник-стоматологик, оғиз бўшлиғи гигиеник индекси, папиляр, маргинал, алвеоляр индекс, КПО индекслари, антропометрик, рентгенологик - телерентгенологик (ТРГ), ортопантомограмма (ОПГ) орқали текширишлар ўтказилган. Ортодонтик бемор болалар ёши, жинси, текширув ва даволаш усулларига қараб гуруҳларга бўлинган (1-жадвал).

**Текширув ўтказилган беморларнинг гуруҳлараро текшурув ва даволаш динамикаси**

Гуруҳлар	Ёши	Текширув усуллари	Диагноз	Даволаш усули
I (n=23)	4,5-13	Клиник, функционал, антропометрик, ОПГ, ТРГ	К07,2	Комплекс даво (тавсия этилган янги мослама)
II (n=27)	4,5-13	Клиник, функционал, антропометрик, ОПГ, ТРГ	К07,2	Комплекс даво (тавсия этилган янги мосламалар)
III (n=124)	4,5-13	Клиник, функционал, антропометрик, ОПГ, ТРГ	К07,2; К07,3	Ананавий (олиб қўйиладиган ортодонтик аппаратлар, миогимнастика)
IVА (n=95)	13-18	Клиник, функционал, антропометрик, ОПГ, ТРГ	К07,2; К07,3	Комплекс (Брекет тизими, кўп функцияли букилмали ёй, Трейнир В)
IVБ (n=171)	13-18	Клиник, функционал, антропометрик, ОПГ, ТРГ	К07,2; К07,3	Анъанавий (Эжуайз тўғри ёй техникаси)

Текширув ўтказилган беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

I гуруҳ - 4,5-13 ёшли бемор болалар, юқори жағ протрузияси ва трансверзал йўналишда торайган ташҳиси билан даволанаётган беморлар клиник-функционал, антропометрик, ОПГ, ТРГ текширилиб, комплекс даволаш усуллари олиб борилган (n=23);

II гуруҳ - юқори жағнинг тотал торайиши натижасида юзага келган меzial окклюзия ташҳиси билан даволанаётган 4,5-13 ёшли бемор болалар клиник-функционал, антропометрик, ОПГ, ТРГ текширувлари ўтказилиб, комплекс даволаш олиб борилган (n=27);

III гуруҳ - 13-18 ёшли бемор болалар клиник-функционал, антропометрик, ОПГ, ТРГ усулида текширилиб, анъанавий (олиб қўйиладиган пластинка базисли ортодонтик аппаратлар, миогимнастика машқлари) орқали даволанган (n=124);

IV А гуруҳ - 13-18 ёшли бўлган бемор болалар клиник-функционал, антропометрик, ОПГ, ТРГ усулида текширувдан ўтказилиб, комплекс (кўп

функцияли букилмали ёй техникаси, Трейнир В) даволаш усуллари қўлланилган (n=95);

IV Б гуруҳ - 13-18 ёшли бемор болалар, клиник-функционал, антропометрик, ОПГ, ТРГ усулида текширилиб, ананавий (Эжуайз тўғри ёй техникаси) усулда даволанган (n=171).

Таҳлил натижаларига кўра, I гуруҳда ўғил болалар 52,17% ни, қиз болалар 47,83% ни, II гуруҳда ўғил болалар 55,56% ни, қиз болалар 44,44% ни, III гуруҳда ўғил болалар 45,97% ни, қиз болалар 54,03% ни, IV А гуруҳда ўғил болалар 27,37% ни, қиз болалар 72,63% ни, IV Б гуруҳда ўғил болалар 35,09% ни, қиз болалар 64,91% ни ташкил этган.

Ортодонтияда ташҳис қўйиш учун клиник текширув зарур. Бу сўроқ (анамнез олиш), бемор юзининг ташқи кўриниши текшируви, оғиз ичи текширувлари орқали амалга оширилди.

Юзни Изар бўйича текширишда қуйидагиларни аниқланди: тана ва юз чап ва ўнг соҳасининг симметрияси; юз ва тана ўрта чизиғининг мос келиши. Бемор юзини олд томондан текшириш қуйидагиларни кўрсатади: олд томондан юз тури (тор 104 ва ундан юқори, кенг 97 ва ундан кичик, ўрта 97 дан 103 гача); юз симметрияси. Текширув олиб борилган беморларда Изар бўйича юз тузилишидаги ўзгаришлар тор юз 28,18% ни, кенг юз 27,50% ни, ўртача юз 44,32% ни ташкил этган.

Ташҳисотнинг ушбу босқичи тишлов турини аниқлаш учун ҳал қилувчи ҳисобланган. Марказий ён курак тишларининг сагиттал текисликдаги нисбати Энгль таснифи асосида - биринчи доимий молярлар нисбати бўйича баҳоланган. Тадқиқот олиб борилган ТЖА ва деформациялари билан касалланган III гуруҳнинг 28% ида Энгль бўйича иккинчи синф мавжудлиги дистал окклюзиянинг ташҳислаш аломати кузатилган ва бунда нуқсоннинг клиник шаклини аниқланган.

Текширув олиб борилган беморларда тиш қаторлари нуқсонларида симметрик юз 80,91%, ияк чуқурчасининг чуқурлашиши 75,68%, лаб ёпилиши 79,09% ҳолатларда ўзгариши кузатилган.

Агар биринчи юқори молярнинг мезиал-лунжли дўмбоғи антагонист-тишнинг биринчи кўндаланг эгатиға нисбатан дистал жойлашган бўлса, Энгль бўйича учинчи синф - тиш қаторларининг мезиал окклюзиясидаги асосий ташҳисловчи мезон, деб қайд этилади. Бироқ, бу ерда олд тишларнинг нисбати бир, икки ёки уч текисликда бузилган бўлиши мумкин. Телерентгенограмма таҳлилисиз мезиал окклюзиянинг клиник шакли ўрнатилиши қийин кечиши кўрсатилган. Телерентгенограмма Кореянинг компанияси HDW WILL рентген аппарати ёрдамида амалга оширилган.

Айрим ҳолларда қуйидаги клиник усул ёрдам берган: беморға оғзини кичикроқ очиш тавсия этилган, сўнг оғизни оҳиста ёпиш ва бунда тил учини танглайға кўтариш айтилган, агар у курак тишларини тўғри тишлов тамойили бўйича ўрната олса, у ҳолда пастки жағнинг олд жойлашуви (мезиал окклюзиянинг “бўғим” шакли), деб ҳисобланган.

Материални статистик ишлаш анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида “Excel” дастуридан фойдаланиб, амалга оширилган. Қуйидаги параметрлар ҳисобланган: ўртача арифметик катталиқ ( $M$ ), ўртача арифметик хато ( $m$ ), фарқлар аҳамияти Фишер-Стъюдент мезони бўйича ( $P$ ) аниқланган. Агар эҳтимоллик даражаси  $P < 0,05$  бўлса, кўрсаткичлар орасидаги фарқлар ишонарли, деб ҳисобланган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига қатъий амал қилинган.

Диссертациянинг **“Юз-жағ аномалияларини антропометрик клиник стоматологик текшириш натижалари”**, деб номланган учинчи бобида болаларда мезиал окклюзияни ортодонтик даволашнинг янги мослама ва усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Мезиал окклюзиянинг этиологик сабабларига қуйидагилар киритилган: ирсий мойиллик, эмбрионал ривожланиш даврида салбий омилларга таъсир қилиш, туғруқ пайтида травма, сут тишларини эрта олиб ташлаш, сут тишлар тушишининг кечга қолиши, болаларда юқори нафас йўли яллиғланиш жараёнлари, зарарли одатлар (бармоқ, лунж, лаб сўриш), рахит касаллиги ва унинг асоратлари.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда 2 хил мезиал окклюзия мавжудлиги келтирилган: физиологик - ТЖТ нинг анатомик жиҳатдан морфологик ва функционал меъёрлари билан тавсифланган, чин ва сохта патологик - ортодонтик аралашувни талаб қилади, чунки морфологик ва функционал ўзгаришлар юз беради.

Мезиал окклюзияни аниқлаш, унинг тури ва даражасини тўғри баҳолаш учун ортодонт маслаҳати муҳим. Беморларни текшириш юзнинг олд ва ён текшируви, антропометрик параметрларни ўлчаш, оғиз бўшлиғидаги окклюзияни визуал баҳолаш, ҳақиқий ва сохта мезиал окклюзияни ажратишга имкон берадиган функционал тестни ўтказиш билан бошланган. Мезиал окклюзия даражасини аниқлаш, диагностика моделларини ўрганиш, ортопантомография, латериал телерентгенография натижалари билан баҳоланган, логопед ва оториноларинголог маслаҳати олинган.

Юқори жағ тотал торайишида қўлланилаётган ортодонтик мосламалар беморнинг ёши, касаллик тури, даражаси ва мосламани қўллаш жойи танланиб, тадқиқот ўтказилаётган беморларга қўлланилган.

Ортодонтик мослама пластмасса базисли, окклюзион юза (чайнов тишлар соҳаси), уч томонга кенгайтирувчи винт, таянч моляр тишларга Адамс кламери (иккита), базисга бириктирилган юз маскаси билан туташтирувчи илмоқлар, лаб мушакларини бўшаштирувчи лаб пилотлари ва пилотни базис қисми билан уловчи U-симон илмоқлардан ташкил топган.

Мослама юқори жағга ўрнатилган, юз маскаси билан биргаликда қўлланилган. Даволанаётган II гуруҳ беморларни туғма бир томонлама юқори лаб тўлиқ қаттиқ юмошқ танглай нуқсони билан туғилган 8 ойликда хейлопластика қилинган, 16 ойлигида юмшқ танглай пластикаси ҳамда ҳалқумни кичрайтириш жарроҳлик амалиёти олиб борилган, 30 ойлигида қаттиқ танглай пластикаси амалга оширилган (1-расм).



А



Б



В



Г

**1-расм. Юқори жағ тотал торайишида қўлланилаётган ортодонтик мосламалар** (Бемор Ф.А, 6 ёш. А-ортодонтик мосламани моделда юқоридан кўриниши. Б-ортодонтик мосламани моделда олд томондан кўриниши. В-ортодонтик мосламани бемор оғзида жойлашган ҳолати. Г-ортодонтик мосламани юз ёйи билан қўлланилиши).

Шикояти эстетик нуқсон, тишловнинг тескарилиги, юз ўрта қисмининг кичиклиги. Оғиз ичи ҳолати - юқори жағнинг тотал торайиши, сохта прогеник прикус, тескари сагитал ёриқ 2 мм лиги аниқланган. Юқори жағни тотал кенгайтирувчи ортодонтик мослама қўллаш режаси тузилган. Юқори жағни трансверзал йўналишда 5 мм га сагитал йўналишда 4 мм га кенгайтиш усулини қўллаш, жағларнинг ўзаро муносабатини ортогнатик прикусга олиб келинган. Бемор болада 3 ойдан сўнг доимий тишлар чиқиш учун юқори жағда етарли даражада жой ҳосил қилинган, физиологик сут тишлари орасида диастема ва тремалар ҳосил қилинган.

Юқори жағ тотал торайишида қўлланиладиган ортодонтик мослама ишлаб чиқилган ва бемор болаларда муваффақиятли қўлланилган. Унинг шунга ўхшаш бошқа аналоглардан устун томонлари борлиги исботланган.

Унинг болалар учун талаффуз ва бошқа функцияларининг тиклашдаги роли кўрсатиб берилди. Ортодонтик даволаш учун биологик жиҳатдан хавфсиз, тиббий жиҳатдан ишончли, иқтисодий жиҳатдан самарали, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли, ортодонтик жиҳатдан муваффақиятли мослама ишлаб чиқилган ва стоматологик амалиётга тавсия этилган.

Диссертациянинг **“Мезиал ва дистал патологик окклюзияли бемор болаларда рентгенологик кўрсаткичлар таҳлили натижалари”**, деб номланган тўртинчи бобда мезиал ва дистал патологик окклюзияли беморларнинг асосий текширув усуллари таҳлили келтирилган.

Болаларда ТЖА ва деформацияларида тиш қаторларининг ўзаро мунособати ўрганилганда бир томондан, молярлар дистал зина поя ҳосил қилса, иккинчи томондан, нормал ёпилиш мавжуд бўлса, у ҳолда дистал поғона жойлашган тиш қисмидаги антагонист тишларнинг дистал ёпилиши аниқланган. Шундай ҳолатда дистал окклюзия ташҳиси фақат орқа тишлар окклюзияси асосида амалга оширилиши мумкин. Дистал окклюзия билан оғриган болаларда фронтал тишлар соҳасида дезокклюзия ёки курак тишларнинг чуқур тишлови учраган. Юқори кесувчи тишларнинг вестибуляр томонга оғиши ва пастки кесувчи тишларнинг ретрузияси натижасида фронтал тишлар дезокклюзияси кузатилган.

Дистал окклюзияда юқори ва пастки фронтал тишларнинг палатинал оғиши ва бир бирини қоплаши ҳисобига чуқурлигининг ўзгариши натижасида юзага келадиган курак тишлар чуқур тишлови юзага келган. Юқори жағнинг трансверзал йўналишда торайишида тиш қатори V- ҳамда U-симон шаклга киради, бунинг натижасида курак тишларнинг зичлиги мезиал томонга оғиши тадқиқот натижаларида аниқланган. Текширув олиб борилган беморларда пастки биринчи доимий моляр тишларнинг мезиал томонга оғиши ҳамда пастки тиш қаторининг қисқариши ҳисобига юзага келган дистал окклюзия ҳолатлари ҳам аниқланган.

Дистал окклюзиянинг ривожланиши даражаси латерал сегментларнинг ёпилишидаги мос келмаслиги билан белгиланган. Шунингдек, 4-5 ёшли болаларда дистал окклюзиянинг ривожланиши эрта клиник белгиси иккинчи сут молярларнинг дистал юзаларини вертикал текисликда жойлашиши ҳисобланади.

ТЖА ва деформациялари билан касалланган IV А-Б гуруҳ беморларда курак тишлараро бурчаги норма томонга силжитилган. Курак тишларнинг юқори ва пастки жағ асосига нисбатан ижобий томонга силжитишга эришилган (2-жадвал).

Тиш қаторларининг ёйи мезиал окклюзияли беморларда пастки жағ тиш қатори ёйи қисқартирилиб, юқори жағ тиш қатори ёйи узайтирилган. Дистал окклюзияли беморларда пастки жағ тиш қатори ёйининг узайтирилиши юқори

жағ тиш қаторида алоҳида тишларни олиш ҳисобига ёки диастема, тремаси бор тишлар протрузияси бўлган бемор болаларда даволаш муолажаларидан сўнг тиш қатори ёйи қисқариши кузатилган. Беморларда SNA 75,8 - 76,4°, SNB 80,8° - 80,2°, ANB 5,0° - 4,0°, A-NP - 8,8 мм - 8,6 мм, B-NP - 6,5 мм - 6,4 мм, ILS/ NL 114,0° - 112,1°, ILI/ML 84,6° - 88,7°, ILS/ILI 144,1° - 138,6° гача ўзгариши уларни даволашдан кейинги натижалари билан таққосланган.

**2-жадвал**

**Тадқиқотга жалб этилган IV А-Б гуруҳларда телерентгенография кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Меъёр	Даводан олдин	Даводан кейин
SNA	80,5±3,3°	75,8°	76,4°
SNB	76,2±3°	80,8°	80,2°
ANB	4,3±2,2°	5,0°	4,0°
A-NP	-2,3±3 мм	-8,8 мм	-8,6 мм
B- NP	-10,1±4,6 мм	-6,5 мм	-6,4 мм
ILS/ NL	109,4±6,3°	114,0°	111,2°
ILI/ ML	95,4±6,2°	84,6°	88,7°
ILS/ ILI	128,5±8,8°	144,1°	138,6°

Окклюзия жипслашиш вақтида тишлар ҳолати билан белгиланади. Аммо баъзи окклюзия аномалиялари бутун кўринишга таъсир қилади: улар юз хусусиятлари, юз ифодалари, симметрияни ҳосил қилади, тананинг ҳолатига таъсир кўрсатади. Текширув олиб борилган дистал окклюзияси бор беморларнинг юқори жағ фронтал тишларининг олд томонга силжиши кузатилган. Одатда, ортогнатик тишлов билан юқори жағ тишлари пастки жағ тишларнинг тахминан 1/3 га қоплайди. Дистал окклюзия билан оғриган беморларда юқори ва пастки жағ тишлар орасидаги масофа ҳосил бўлганлиги, бўшлиқ аниқланган. Номутаносиб равишда кенгайтирилган юқори жағ олдинга чиқиши, яъни дистал окклюзияни конвекс ёки “қуш” профили аниқланган. Бунда бурун ва юқори лаб олдинга чиқиши, пастки лаб чўқиши ва жағ қийшайганлиги, номутаносиб равишда кичик, баъзан бурма билан “иккинчи ияк” ҳосил бўлганлиги кузатилган.

Дистал окклюзияда лаблар бўшашган ҳолатда ёпилмаслиги ва оғиз ҳар доим бир оз очилиши билан беморлар шикоятлари аниқланган. Дистал окклюзия ҳолатида визуал тарзда акс этади, у бутун тана бир оз олдинга эгилишига олиб келади. Дистал окклюзия билан оғриган беморларда чўзилган бўйин олдинга эгилган ҳамда қорин бўшлиғи билан ажралиб туриш белгилари ўрганилган. Ташқи белгиларга кўшимча равишда, дистал тишловда овқатни ютиш, чайнаш пайтида ноқулайликлар билан бирга келган, бурун орқали нафас олиш ва нутқ функцияларига тўсқинлик қилиши кузатилган. Бироқ, одатда окклюзия аномалиялари болалиқдан аста-секин ривожланади, шунинг учун мослашиш эҳтимоли кўпроқ ва ўзини ноқулай ҳис қилмайди.

ТЖА ва деформациялари билан касалланган бемор болаларни ортодонтик даволаш учун мослама танлашда жағларнинг ўсиш типи бўйича яъни, нейтрал, вертикал, горизонтал йўналишлар натижалари таҳлиллари тўғрисидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

### 3-жадвал

#### Текширув ўтказилган бемор болаларда жағларнинг ўсиш типи кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўсиш турлари		
	Горизонтал	Нейтрал	Вертикал
<ML-NSL	17-27	29-35	37-47
SGo/NMe (%)	75-67	62-65	58-50
<NL/ML	13-23	25-31	33-43
NgoMe	62-68	70-76	78-86
NBa/PtGn (°)	99-93	92-89	87-81
Sum<Bjork	381-391	393-399	401-411

ТЖА ва деформациялари билан касалланган бемор болаларни ортодонтик даволаш учун мослама танлашда жағларнинг ўсиш типи ўрганилганда <ML-NSL горизонтал 17-27°, нейтрал ҳолатда 29-35°, вертикал ҳолати 37-47°, SGo/NMe (%) горизонтал 75-67°, нейтрал ҳолатда 62-65°, вертикал ҳолати 58-50°, <NL/ML горизонтал 13-23°, нейтрал ҳолатда 25-31°, вертикал ҳолати 33-43°, NgoMe горизонтал 62-68°, нейтрал ҳолатда 70-76°, вертикал ҳолати 76-86°, NBa/PtGn (°) горизонтал 99-93°, нейтрал ҳолатда 92-89°, вертикал ҳолати 87-81°, Sum<Bjork горизонтал 381-391°, нейтрал ҳолатда 391-399°, вертикал ҳолати 401-411° гача ўзгаришлари аниқланган. Текширув олиб борилган баъзи гуруҳ беморларда <ML-NSL ва <NL/ML даги юқори даражадаги ўсишлар кузатилган.

Бундан ташқари биринчи молярлардан фарқли ўлароқ, пастки жағнинг кесувчи тишлари тожларнинг аниқ дистал мойиллигига эга (ретрузия) бўлган, бу улар ўқлари текислигига нисбатан мойиллик бурчагининг ошиши билан тасдиқланган. Пастки жағнинг асоси ва бош суягининг олдинги қисмлари билан ўзгариши аниқланган. Бироқ, NB чизиғининг курак нуқтасига нисбатан тожларнинг кесиш қирраларининг ҳолати ўртачадан фарқ қилмаган. Пастки жағ кесувчи тишларнинг бундай мойиллигини апикал асос ва пастки жағ танаси узунлигининг ортиши курак тишларнинг илдизлари учларининг олдинги ҳолатини аниқлаши билан изоҳланган, бу эса кесувчи тишларнинг шаклланишига олиб келган.

Тадқиқот натижаларига кўра, пастки жағ қозик тишларнинг тожлари дисталга мойил бўлиб, бу улар ўқларининг ML га нисбатан мойиллик бурчакларининг ортишидан далолат берган. Аммо, кесувчи тишлардан фарқли ўлароқ, қозик тишлар тожларининг дистал мойиллиги координата нуқтасидан дўмбокларнинг юқори қисмигача бўлган масофанинг пасайиши билан бирлаштирилган.

Юқорида айтилганларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, пастки жағнинг ўсиши ТЖА ривожланишининг асосий омили бўлиб, мезиал окклюзиянинг кучайишига олиб келган. Пастки жағнинг ўсиши, аксарият муаллифлар фикрига кўра, тишлар, шу жумладан учинчи моляр тишларнинг шаклланиши ва чиқиши билан боғлиқ. Қанчалигини билиш учун учинчи моляр тишларнинг чиқиш вақтида пастки жағ танасининг узунлигини аниқлашни амалга ошириш учун бошнинг латерал ТРГ қисмида, мезиал окклюзияси бўлган беморларда тананинг ўлчамлари ва пастки жағнинг шохлари ўрганилган. Шу билан бирга, тана узунлигининг ўртача 11,4% га ўсиши (учинчи моляр тишлар тожининг мезиодистал ўлчамига тенг қийматга) ва пастки жағнинг шохлари баландлигининг ўртача 15% га ошиши аниқланган, бунинг аҳамияти кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг **“Юқори жағнинг ўсишидан ортада қолиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзияни даволаш усулларини такомиллаштириш”** деб номланган бешинчи боби ТЖА ва деформацияси билан касалланган болаларда патологик окклюзияни даволашнинг кетма-кетлиги келтирилган.

Болаларда окклюзия аномалияларининг эрта ва яширин шакллари прогнослаш ва аниқлаш, шунингдек диагностика ва терапевтик тадбирлар самарадорлигини оптималлаштириш учун дунёда кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, мавжуд диагностика усуллар, қўшимча тадқиқот усуллари муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу усуллари амалга ошириш, болаларда ортодонтик патологиялар диагностикаси ва даволаш тадбирлари ўрганилиб келинмоқда. Окклюзия аномалияларини ташхислаш ва даволашга энг яқин ёндашув усуллари ишлаб чиқиш, юқори жағнинг ҳаддан ташқари торайиши, юқори жағ тиш альвеоляр комплексининг олдинги ҳолати билан биргаликда барқарорлигини таъминлаш ва эстетик белгиларини яхшилашга ёрдам беради.

Юқори жағнинг торайиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзияни келтириб чиқарувчи омиллар қуйидагиларга боғлиқ: беморлар юзининг эстетик бўлмаган кўриниши, ботиқ ёки бўртиқ профили, нотўғри жилмайиш, жағлар орасидаги сагиттал очикликнинг мавжудлиги, нутқ ва оғиз орқали нафас олишнинг бузилиши, юқори жағ асосининг торайиши, тор танглай ва малоокклюзия. Албатта, бундай патологиялар самарали даволаш усуллари талаб этади.

Эстетик ва функционал натижага эришиш учун ортодонт диагностика маълумотларини таҳлил қилиши, ушбу патологиянинг барча морфологик тузилмаларига эътибор бериши ва даволаш босқичларини режалаштиришда қайтмас натижаларга олиб келадиган асоратларни олдини олиш лозим. Кўпинча ўсмирлар ва катта беморлар ортодонтик даволанишдан атроф-муҳитдаги психологик ҳолатига таъсир қиладиган максимал эстетик натижаларга эришишни талаб қилишлари табиий.

Юқори жағнинг торайиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзия ташҳиси билан касалланган бемор болаларни ортодонтик текширув усуллари орқали текширилганда ўғил болаларга нисбатан қиз болаларда касалланиш даражаси юқори эканлиги аниқланган.

II-III гуруҳлар алмашинув тишлови даврида 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган 151 нафар бемор болаларда Тонн, Снагина, Танака - Жонсон усулларида текширув ўтказилиб, такомиллаштирилган ортодонтик мосламаларни қўллаш орқали даволанган. Алмашинув тишлови даврида патологик окклюзияларни аниқлашда пастки курак тишлар мезиодистал ўлчамлари йиғиндиси билан юқори курак тишлар медиолатерал ўлчамлари мутаносиблиги Тонн индекси орқали аниқланган. Юқори жағнинг торайиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзия билан касалланган бемор болалар ёши, жинс бўйича гуруҳлараро тақсимланиши 4-жадвалда келтирилган.

#### 4-жадвал

### Юқори жағнинг торайиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзия билан касалланган бемор болаларни ёши, жинс бўйича гуруҳлараро тақсимланиши

Гуруҳлар	Ёши	Ўғил болалар		Қиз болалар		Жами
		Мутлоқ	%	Мутлоқ	%	
I	7 - 13	21	44	27	56	48
II	7 - 13	9	43	12	57	21

#### Тонн ҳисоблаш усули.

Юқори жағнинг торайиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзия билан касаланган II-III гуруҳлар алмашинув тишлов даврида 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган 151 нафар бемор болаларда Тонн индексида текширилганда юқори жағнинг биринчи ва иккинчи курак тишларида макродонтия даражасининг юқорилиги натижасида, тиш қаторларида жойлашган кейинги тишларда морфологик тузилишнинг бузилиши ҳамда прикуснинг патологик турга ўтиши тадқиқот натижаларида кузатилган.

Алмашинув тишлови даврида юқори курак тишлар мезиодистал ўлчамлари билан пастки курак тишлар медиолатерал ўлчамлари йиғиндиси Тоннинг корреляцион мутаносиблиги асосида юқори ва пастки жағ курак тишларининг ўлчамларини солиштирма йиғиндиси келтирилган.

Шунингдек, SI юқори жағ курак тишларининг ўлчамлари ифодаси сифатида ҳамда si пастки жағ курак тишларининг морфологик тузилиши йиғиндиси асосида Тонн индексида кўрсаткич сифатида киритилган.

II-III гуруҳлар алмашинув тишлов даврида 7 ёшдан 13 ёшгача бўлган 151 нафар беморларда тишлар макродонтияси ва курак тишлар зичлигини ташҳислашда Тонн индексининг таҳлилий натижалари 5-жадвалда ўз ифодасини топган.

**Алмашинув тишлов даврида пастки ва юқори курак тишлар  
ўлчамлари таҳлиллари**

SI (юқори жағ) Нормал ҳолат	27	28	29	30	31	32	33	34	35
SI (юқори жағ) Патологик ҳолат	27,2	28,1	29,03	30,01	31,02	32,02	33,01	34,03	35,02
si (пастки жағ) Нормал ҳолат	20,0	20,7	21,5	22,2	23,0	23,7	24,4	25,2	26,0

Юқориги жағнинг торайиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзияларни даволашда такомиллаштирилган ортодонтик мосламалар қўлланилганда лаб мушакларининг гипертонуси ҳамда нотўғри бирикиши, лаб юганчаларининг қалин, калта бирикиши, олдинги фрагментнинг торайишини бартараф қилган.

Тиш қаттиқ тўқимаси эмалнинг резистентлик даражасини аниқлаб ортодонтияда олинмайдиган ортодонтик аппарат - брекет тизими ёки ечиладиган пластинка базисли ортодонтик аппарат қўллаш тавсия этилган. Эмаль резистентлиги юқори ёки ўртача бўлса, брекет тизими қўлланилган. Эмаль резистентлиги паст, КПО даражаси юқори бўлган беморларда реминерализацияловчи муолажалар тавсия этилиб, сўнг ортодонтик ечиладиган пластинка базисли мослама қўлланилган.

Диссертациянинг **“Болаларда тиш-жағ аномалияларини диагностика қилиш ва ортодонтик даволаш моделини модернизация қилиш концепсияси”** деб номланган олтинчи бобида ТЖА ва деформациялари уч гуруҳга бўлиб ўрганилган, ташҳислаш ва даволаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, ТЖА ичида биринчи ўринни II-синф окклюзияси эгаллаган. Ёши ўтгани сайин ТЖА тарқалганлик кўрсаткичлари билан бирга уларнинг тузилмаси ва клиник тавсифи ҳам ўзгариб бориши кузатилган. Шу тариқа, 3 ёшда аномалиялар частотаси 39,4% ни ташкил этган, бунда улар орасида тишлов аномалиялари катта миқдорга эга (90,6%) бўлган, 40% и эса турли функционал бузилишлар билан боғлиқ (нутқ, ютиниш, нафас олиш, чайнаш) бўлган. 6-7 ёшга келиб, аномалиялар частотаси 67,1% ҳамда функционал бузилишлар (54,6% гача) частотаси ҳам ортган. ТЖА частотаси ортиши тишлов аномалиялари улуши камайиши ва тиш қаторлари аномалиялари улуши ортиши ҳисобига рўй берган. Алмашинув тишлов даври давомида ТЖА частотаси юқори даражада сақланиб турган ва фақатгина, болаларда доимий тишлов шаклланишининг якунига келиб пасайиб қолиши аниқланган ва исботланган.

ТЖА ва деформацияси ташҳисланган беморларни алоҳида тишлар аномалияси, тиш қаторлари аномалияси, жойлашув аномалияси асосида

текширув ўтказилиб, беморларни олиб қўйилмайдиган ортодонтик мосламалар орқали даволаш олиб борилган. Даволанаётган беморлар тиш қаторлари нуқсонларини бартараф этиш билан биргаликда оғиз бўшлиғи гигиенасини яхшилашга ҳам эришилган.

ТЖА ва деформацияларининг даволашнинг сўнг босқичи ретенцион даврдир. Бу ортодонтик фаол даволаш даври тугагандан сўнг, олинган натижаларни мустаҳкамлаш мақсадида олиб бориладиган ортодонтик муолажалардан бир ҳисобланади. Ретенцион давр фаол даволаш вақтига қараб турлича нисбатларда бўлинган. Ретенцион даволаш даври 1/4 нисбатдан 1/2 нисбатгача камайиб борган. Функционал таъсир этувчи ортодонтик мосламалардан сўнг ретенцион давр талаб қилинмаган.

Даволанаётган беморлар ён тишларининг сагиттал текисликдаги нисбати Энгль таснифи асосида юқори ва пастги биринчи доимий молярлар нисбати бўйича клиник баҳоланган. Бу ўринда шуни айтиб ўтиш зарурки, ТЖА мавжуд болаларнинг 85% ида биринчи доимий молярларнинг локализацияси ўзгарган ҳолатда бўлган, шу боис, мазкур тишларни Энгль таснифи бўйича баҳолаш билан бир қаторда биринчи доимий молярларни стабиллик даражасини махсус телерентгенометрик усул билан текширув олиб борилган.

Фақатгина клиник ва биометрик малумотларга асосланиб, даво режасини тузиш кўпгина хатоликларга сабаб бўлиши мумкин бўлган асоратлар бартараф этилган. Ушбу асоратларни даволаш сўнггида максимал окклюзион контракцияни ҳосил бўлмаслиги, ретенцион даврнинг кафоланмаслиги ва ниҳоят, аномалия қайталаниши ёки рецидивига олиб келувчи омиллар бартараф этилган.

ТЖА ва деформациялари профилактикаси - комплекс чора тадбирларни ўз ичига олган. Деформацияга олиб келувчи этиологик ва патогенетик омилларни бартараф этиш ортодонтик даволашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган. Профилактиканинг асосий вазифаси боланинг умумий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатувчи даволовчи тадбирларни олиб бориш орқали болаларда ТЖА ини аниқлашни таъминлашдан иборат. ТЖА ва деформациялари профилактикасида тиш қаторларида физиологик, морфологик ва функционал ўзгаришлар билан намоён бўлган. Шу асосда муаллиф томонидан илк бор ТЖА ва деформацияларини ёшга боғлиқ ҳолда комплекс даволаш ва профилактик алгоритми ишлаб чиқилган (6-жадвал).

ТЖА ва деформациялари профилактикасининг асосий вазифаси бола умумий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатувчи даволовчи тадбирларни олиб бориш орқали болалар ва ўсмирларда ТЖА ини аниқлаш ҳамда даволашни таъминлашдан иборат. Юз ва ТЖТ тезкор ўсиш давларида эрта функционал ва морфологик норма, деб талқин қилинган ҳолатнинг бузилишлари эрта аниқланганда, профилактик тадбирлар эрта бошланганда деформациялар олди олиниши исботланган. Мушаклар миофункционал мувозанатини тиклаш натижасида патологик окклюзиялар бартараф этилган.

**Тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини ёшга боғлиқ  
ҳолда комплекс даволаш ва профилактикаси алгоритми асосий  
йўналишлари**

ТЖТ ини такомилашиш даврлари	ТЖА ва Д текширув усуллари	Комплекс даволаш усуллари	Профилактик тадбирлар
Сут тишлари тиўлови даври	Объектив- субъектив, Долгополо ва усули	Миогимнастика, функционал ортодонтик аппаратлар, олиб қуйиладиган механик таъсир қилувчи аппаратлар	Кариес ва унинг асоратларини олдини олиш ва даволаш, зарарли одатларни йўқотиш, функционал бузилишларни бартараф этиш, тил – лаб юганчалари ҳолатини баҳолаш
Алмашинув тишлов даври	Объектив- субъектив, антропо- метрик, ОПГ, рентген	Миогимнастика, функционал ортодонтик аппаратлар, олиб қуйиладиган механик таъсир қилувчи аппаратлар	Алмашаётган сут тишларини ўз вақтида тушишини таъминлаш, зарарли одатларни йўқотиш, тишлар чиқиш тамойиллари бузилишини олдини олиш, тиш қаторларида жой танқислигини эрта ташҳислаш
Доимий тишлар тишлови даври	Объектив- субъектив, антропо- метрик, ОПГ, ТРГ	Олиб қуйиладиган ва олинмайдиган механик таъсир қилувчи аппаратлар	Тиш қаторларининг форма ва шакл бузилишлари олдини олиш

### ХУЛОСА

1. ТЖА ташҳисланган болаларни ортодонтик даволаш учун мосламалар танлашда жағларнинг ўсиш типи ўрганилганда <ML-NSL горизонтал 17-27°, нейтрал 29-35°, вертикал ҳолати 37-47°; SGo/NMe (%) горизонтал 75-67°, нейтрал 62-65°, вертикал ҳолати 58-50°; <NL/ML горизонтал 13-23°, нейтрал 25-31°, вертикал ҳолати 33-43°; NgoMe горизонтал 62-68°, нейтрал 70-76°, вертикал ҳолати 76-86°; NBa/PtGn горизонтал 99-93°, нейтрал 92-89°, вертикал ҳолати 87-81°; Sum<Bjork горизонтал 381-391°, нейтрал 391-399°, вертикал ҳолати 401-411° гача ўзгаришлари аниқланди. Жағлар нейтрал, вертикал, горизонтал ўсишига қараб қўлланилган ортодонтик мосламалар бурчаклари

эйтиборга олиниб, даволаш давомийлигини ҳисобга олган ҳолатда тавсия этилди, уларни қўллаш орқали жағларнинг бир текисда ўсишига эришилган.

2. Эрта ёшдаги болаларда ТЖТ функционал бузилишлари ҳамда дистал окклюзия билан мурожаат қилган 4,5-6 ёшдаги 52,17% болаларда физиологик диастема, тремаларнинг меъёрдан камлиги аниқланди, уларда тиш ўлчамларининг аномал ҳолати макро- ва микродентияси ҳисобига патологик окклюзиялар кузатилди. Алмашинув тишлов даврида 7-13 ёшли болалардан 42,86% ининг 4 та пастки курак тишлари мезио - дистал ўлчамлари 24,99 мм га тенг миқдори аниқланди, 57,14% беморларда эса ён секторлар ўлчамлари Lor-20,87, Lol-20,87, Lur-21,67, Lul-15,48 йиғиндилари орқали баҳоланди. Натижа (23,49 мм; 22,9 мм) ва бемор моделидаги ён секторлар (Lor-20,87 мм, Lol-20,87 мм, Lur-21,67 мм, Lul-15,48 мм) орасидаги +3 мм дан ортиқча жой танқислигини билдирди. Тиш қаторини узайтириш орқали қозик, биринчи ва иккинчи премоляр тишларга қўшимча жой ҳосил қилинди.

3. Болалар пастки жағ курак тишлари ўлчамларини асос сифатида олиб, юқори жағ курак тишлари ўлчамлари, жағларнинг трансверзал кенглиги, сагиттал узунлиги, апикал базиснинг кенглигини ўлчаш асосида юз профилини олд ва ён томондан ўрганган ҳолатда тиш қаторларини узайтириш ёки жағларни кенгайтириш, айрим ҳолатларда алоҳида тишларни олиш усуллари қўлланган. ТЖА кузатилган болаларда алмашинув прикусига тайёргарлик кўриш даврида фронтал тишлар соҳасидаги физиологик диастема - тремалар, ретромояр соҳадаги жағнинг ўсиш тенденцияси, сут иккинчи моляр тишнинг дистал дўмбоқлари ўзаро муносабатига жағларнинг ўсиш меъёрий кўрсаткичлари билан таққосланди ва сут ва доимий тишлар аномалиялари ҳамда деформациялари шу асосда тавсифланган.

4. Снагина усули бўйича юқори ва пастки жағ апикал базис кенглигини ўлчаш, физиологик ва патологик ҳолатларни солиштириш орқали 12 та тиш кенглиги ва узунлигининг фоиз нисбати йиғиндиси, Пон бўйича биринчи премолярлар тиш ёйи кенглиги, апикал базиснинг кенглиги ва узунлигидаги етишмовчилик даражаси, 12 та доимий тишлар мезиодистал кенглигидан олинган йиғиндиси билан ҳисобланди. Снагина бўйича юқори ва пастки жағ апикал базис кенглигининг йиғиндиси 4/4 соҳада 29,4 дан 39,6 гача бўлган йиғиндидан 29,1 дан 38,5 гача ўзгаришлари, 6/6 соҳаларда эса 45,4 дан 58,5 нормал ҳолатдан 45,1 дан 58,3 гача патологик ҳолатларга тиш қаторлари апикал базисининг кенглиги ва узунлигининг силжиши аниқланган.

5. Бемор болаларда юқори жағнинг торайиши ҳисобига юзага келган патологик окклюзияларни даволашда такомиллаштирилган ортодонтик мосламалар қўлланилди, улар бир вақтнинг ўзида юқори жағни уч йўналиш бўйича сурилишини таъминлади, бир вақтнинг ўзида икки йўналиш бўйича кенгайтириш ва таранглашган мушакларга таъсир қилинди, юқори жағ марказий фрагменти олдинга сурилган ва узайган ҳолатларида ишлатилди. Бундай беморларда икки ён фрагментлар трансверзал йўналишда торайган бўлиши ҳисобига олдинги фрагментни сагитал йўналишда олдинга сурилиш

ва узайиш имконини берди, шу фрагментни дистал томонга сурилиши, узайган альвеоляр ёйнинг интрузия бўлишига олиб келди. Юқори жағ ва бурун суяклари ўзаро чамбарчас ўсиши, ривожланиши, ўз функцияларини бажаришига монелик камайди, унинг асосида эса ТЖА нинг эрта ташҳиси мукаммаллаштирилган.

6. Тавсия этилган ортодонтик мосламалар асосида ТЖА ли болаларда курак тишлараро бурчаги меъёр томонга, курак тишларнинг юқори ва пастки жағ асосига нисбатан ижобий томонга силжитилди, тиш қаторлари ёйи мезиал окклюзияли беморларда пастки жағ тиш қатори ёйи қисқариши ва юқори жағ тиш қатори ёйини узайтирди. Дистал окклюзияли беморларда пастки жағ тиш қатори ёйининг узайтирилиши юқори жағ тиш қаторида алоҳида тишларни олиш ҳисобига диастема, тремаси бор тишлар протрузияси бўлган беморларда даволаш муолажаларидан сўнг тиш қатори ёйи қисқариши кузатилди. Беморларда SNA нинг  $75,8-76,4^\circ$ , SNB нинг  $80,8-80,2^\circ$ , ANB нинг  $5,0-4,0^\circ$ , A-  
NP нинг  $8,8-8,6$  мм, B-NP нинг  $6,5-6,4$  мм, ILS/NL нинг  $114,0-112,1^\circ$ , ILI/ML нинг  $84,6-88,7^\circ$ , ILS/ILI нинг  $144,1-138,6^\circ$  гача ўзгариши даволашдан кейинги натижалар билан таққосланган.

7. ТЖА кузатилган болаларда оғиздан нафас олиш кузатиладиган болалар орасидаги ушбу патология сони бурун орқали эркин нафас олувчи болаларникига қараганда юқори, оғиз орқали доимий тарзда нафас олувчи болаларнинг  $95,98\%$  ида ТЖА учради, ушбу аномалияларнинг  $88,39\%$  и ринофарингоген характерга эга. Бурун бўшлиғи ва бурун-ҳалқумдаги ҳар бир обструктив патологияга уч турдаги ТЖА тўғри келди ва бундай болаларнинг  $70,0\%$  ида бурун бўшлиғининг “скелетли торайиши” кузатилди. Бу ҳолат ортодонтик даволаш усулларининг юқори самарадорлигини кўрсатиб берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ФОЗИЛОВ УКТАМ АБДУРАЗЗОКОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ РАННЕЙ ДИАГНОСТИКИ И  
ОРТОДОНТИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ У ДЕТЕЙ С  
ЗУБОЧЕЛЮСТНЫМИ АНОМАЛИЯМИ**

**14.00.21 – Стоматология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУК (DSc)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**БУХАРА – 2024**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) по медицинским наукам зарегистрирована в Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2022.2.DSc/Tib709.**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант**

**Олимов Сиддик Шарифович**

доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты**

**Хабибова Назира Насуллаевна**

доктор медицинских наук

**Нуриева Наталья Сергеевна**

доктор медицинских наук

(Российская Федерация)

**Abubekir Eltas**

доктор медицинских наук

(Республика Турция)

**Ведущая организация**

**Санкт-Петербургский государственный**

**университет (Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2024 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, ул. А.Гиждувони, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована № \_\_\_\_ ). Адрес: 200118, г. Бухара, ул. А.Гиждувони, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2024 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2024 года).

**А.Ш.Иноятов**

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.Н.Казакова**

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук (DSc)

**Б.З. Хамдамов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в ортодонтической области стоматологии получение эффективных результатов ранней диагностики и лечения челюстно-лицевых аномалий и деформаций является одной из актуальных проблем. По мнению специалистов, «...аномалии и деформации зубочелюстной системы по распространенности занимают 60-65% стоматологических заболеваний..»<sup>1</sup>. В стоматологической практике одной из ведущих задач ортодонтии являются раннее выявление челюстно-лицевых аномалий, предварительное прогнозирование возникающих деформаций, а также разработка мер по их предотвращению. Одной из перспективных задач ортодонтии является выявление зубо-челюстных аномалий и деформаций начиная с периода эмбрионального развития, определение и устранение эндогенных и экзогенных факторов вызывающих их. Улучшение здоровья зубов и качества жизни путем синхронизации с хирургическими вмешательствами у детей, рожденных челюстно-лицевыми аномалиями, оказание ортодонтической помощи, предотвращение возможных врожденных деформаций, восстановление миофункционального баланса мышц является одной из актуальных проблем ортодонтии.

Во всем мире проводятся масштабные научные исследования с целью выявления и определения перспектив раннего прогнозирования аномалий и деформаций зубочелюстной системы у детей при ортодонтическом лечении, а также повышения эффективности диагностики, лечения и профилактических мероприятий. Ведутся научные исследования, направленные на разработку максимально тщательного подхода к ранней диагностике и лечению зубочелюстной аномалии, получение стабильного эстетического результата при лечении ортодонтических пациентов и снижение количества рецидивов. Тем не менее, существующих методов диагностики недостаточно, что создает острую необходимость в дополнительных методах исследования. В этом аспекте важно разработать мероприятия по диагностике и лечению, направленные на повышение качественных показателей ортодонтической помощи детям.

В нашей стране были получены обоснованные результаты для радикального улучшения оказания ортодонтической помощи в системе здравоохранения, включая раннюю диагностику челюстно-лицевых заболеваний и предотвращение их перехода в осложненные деформации. В связи с этим из 7 приоритетных направлений, указанных в 4 части, 56-цели Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы ставятся задачи «...реализация комплекса мероприятий, направленных на реализацию программы охраны здоровья населения на 2022-2026 годы, повышение потенциала медицинских работников и развитие системы

---

<sup>1</sup> Денисова Ю.Л. Комплексное лечение пациентов с рецессией десны в сочетании с зубочелюстными аномалиями // Журнал стоматологии. Минск. 1(12).2014. С.17-30.

здравоохранения...»<sup>2</sup>. На основании этого, важно совершенствовать методы ранней диагностики и ортодонтического лечения зубочелюстных аномалий у детей, разрабатывать новые ортодонтические аппараты и повышать их эффективность.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует решению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», от 12 ноября 2020 года №УП-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», Постановлением Президента Республики Узбекистан от 10 ноября 2020 года № ПП-4887 «О дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения», а также в других нормативно-правовых документах принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

### **Анализ зарубежной научной литературы по теме диссертации<sup>3</sup>.**

Исследования, направленные на клинико-патогенетическое обоснование возникновения челюстно – лицевых аномалий и деформаций у детей разного возраста, их ортодонтической диагностики и эффективности лечения, проводятся в следующих научных центрах и высших учебных заведениях мира: Federal University of Uberlândia, Universidade Federal do Rio de Janeiro (Brazil); Medical University of Bialystok (Poland); University of Novi Sad (Serbia); Kagoshima University, Tokyo Medical Dental University (Japan); University of Cagliari, University of Ferrara (Italy); Kyungpook National University, Seoul National University (South Korea); Peking University (China); University of Copenhagen (Denmark); Universidad de Antioquia (Colombia); Sir John Walsh Research Institute (New Zealand); Islamic Azad University (Iran); University of Sydney, University of Western Australia (Australia); University of Manchester (England); University of Amsterdam, The Netherlands University (Netherlands); Cairo University (Egypt); Ташкентский государственный стоматологический институт (Uzbekistan).

В мире получены следующие научные результаты по выявлению челюстно-лицевых аномалий и деформаций у детей, ранней и точной диагностике, созданию эффективных методов ортодонтического лечения, разработке различных ортодонтических аппаратов и внедрению их в ортодонтическую практику: выявление и сравнительное изучение челюстно-

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>3</sup> <https://www.osteomyelitiscenter.com>; <https://www.oatext.com>; <https://wexnermedical.osu.edu>; <https://www.SeattleScienceFoundation.org>; <https://journals.plos.org>; [wexnermedical.osu.edu](https://wexnermedical.osu.edu) (<https://wexnermedical.osu.edu>); <https://www.uthscsa.edu>; <https://www.ouh.nhs.uk>; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov>; <https://www.escomid.org>

лицевых аномалий и деформаций, оценка их клинических, социально-экономических аспектов (Tokyo Medical Dental University, Japan); разработаны факторы формирования и риски данных патологий, выявленных у детей, а также комплексные методы их ранней диагностики (Federal University of Uberlândia, Universidade Federal do Rio de Janeiro, Brazil); с целью повышения эффективности ортодонтического лечения челюстно-лицевых аномалий и деформаций у детей проведены исследования концептуального подхода к разработке различных ортодонтических аппаратов (Kyungpook National University, Seoul National University, South Korea); проведена большая работа по уменьшению страданий от этих патологий за счет повышения эффективности профилактики и лечения аномалий и деформаций челюстно-лицевой области (University of Cagliari, University of Ferrara, Italy).

Кроме того, в нашей республике проведено мало комплексных исследований по распространенности челюстно-лицевых аномалий и деформаций, повышению эффективности ортодонтического лечения, созданию для этого различных аппаратов и внедрению их в стоматологическую практику, что, в свою очередь, привело к низкому качеству жизни детей со многими из этих патологий, которые считаются одним из факторов, препятствующих их полноценному слиянию с нашим обществом.

**Степень изученности проблемы.** За последние годы в нашей стране в области ортодонтии произошли существенные изменения. Если раньше съемные аппараты использовались в 90% случаев, то сейчас они в 16% используются только при наблюдениях. На сегодняшний день 84% пациентов лечатся с использованием несъемных ортодонтических аппаратов (Шулькина Н.М. и соавт., 2019). Ранняя потеря первых постоянных моляров у детей является фактором риска развития аномалии и деформации зубочелюстной системы в результате смещения боковых зубов детей (Нигматова И.Р. и соавт., 2019).

Период смены прикусов осуществляется при ортодонтическом лечении с помощью съемных и несъемных ортодонтических аппаратов. Съемные ортодонтические аппараты обладают переменным действием и характеризуются регулярно возникающей фазой покоя челюстей, вызывающей наклонно - вращательное движение зубов, а не полное движение, что часто приводит к отсутствию желаемого эффекта лечения или релапсу.

Согласно научным исследованиям ортодонтов нашей страны и зарубежья, съемные ортодонтические аппараты имеют большие размеры и занимают много места в зубных рядах, вследствие чего ухудшают дикцию. В ряде случаев это может вызывать аллергические реакции на пластмассу и влиять на психическое состояние ребенка, что требует сотрудничества с врачом и родителями (Нигматов Р.Н. и соавт., 2018).

При лечении ЗЧАД у детей предлагается использовать интраоральные аппараты – брекететы для «прикуса», фиксирующие резцам верхней челюсти к небной поверхности. Повышение качества ортодонтической помощи, стабильность результатов зависит от ранней диагностики и лечения детей с

ЗЧА. Результаты раннего лечения более стабильны, редко повторяются, что связано с развитием растущих тканей, прорезыванием зубов и развитием альвеолярных барьеров при формировании корней (Хорошилкина Ф.Я., Персин Л.С., 2018).

Проведение профилактических мероприятий в раннем возрасте позволяют восстановить физиологическое развитие ЗЧС. В период временного прорезывания зубов проводится: обучение правильному произношению звуков на занятиях с логопедом; миогимнастика; санация полости рта; своевременное восстановление или заместительное лечение дефектных временных и постоянных зубов.

По мнению Олимова С.Ш. (2019), клиническое обследование пациентов с зубочелюстными деформациями при сагиттальной окклюзии показывает, что морфофункциональные особенности развития прикуса у детей и подростков разного возраста, в большинстве случаев, зависят от частоты возникновения различных заболеваний и патологических состояний.

Используя метод геометрически-графического воспроизведения зубных дуг, он предложил получить конфигурацию зубных дуг в период расположения прорезывания молочных зубов. Этот метод основан на соотношении конфигурации пришеечной области зубов и размеров боковых частей. Сагиттальный размер дистальной поверхности вторых моляров позволяет сравнить расщелину и здоровую сторону зубного ряда (Дмитриенко М.И. и соавт., 2014).

Стратегия ортодонтического лечения деформаций зубочелюстной системы у пациентов разного возраста и выбор ортодонтических аппаратов зависит от этиологического и патогенетического компонента той или иной патологии зубочелюстной системы. Кроме того, правильный подбор ортодонтических аппаратов зависит от гигиенического состояния полости рта пациента, возможностей ортодонтической лаборатории и профессиональных навыков врача-ортодонта (Folayan M.O. et al., 2020).

В настоящее время многие фундаментальные аспекты профилактики при ортодонтическом лечении еще не до конца решены. В ортодонтии нет информации о применении глубокого фторирования. В ходе проводимого ортодонтического лечения вопросы оценки резистентности зубной эмали и эффективности реминерализующих средств с помощью капш недостаточно раскрыты. Поэтому совершенствование профилактических мероприятий в процессе ортодонтического лечения является актуальной задачей.

**Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Бухарского государственного медицинского института (02.2022 DSc 139) «Раннее выявление, диагностика и разработка новых методов лечения и профилактики патологических факторов, влияющих на здоровье населения Бухарского оазиса в пост COVID-19 периоде (2022-2026 гг.)».

**Целью исследования** явилось ранняя диагностика зубо-челюстных аномалий и деформаций у детей раннего возраста с помощью разработки

новых ортодонтических аппаратов и совершенствование методов ортодонтического лечения.

**Задачи исследования:**

оценка и проведение сравнительной диагностики размеров челюстей, положения челюсти относительно основания черепа, соотношения зубных рядов и дефектов положения зубов у детей раннего возраста;

выявление и оценка диагностических аспектов функциональных нарушений зубочелюстной системы и дефектов лица и челюсти у детей раннего возраста;

сравнительная характеристика аномалий и деформаций молочных и постоянных зубов, также изучение у исследуемого контингента передней и боковых сторон лица путем антропометрии;

определение сужения челюстей в трансверсальном направлении в зависимости от размера между зубами у детей раннего возраста и разработка новый подход к их диагностике;

улучшение ранней диагностики аномалий и деформаций зубочелюстной системы путем определения размеров челюстей при прикусе молочных зубов у детей раннего возраста;

оптимизация лечения с помощью съемных и несъемных пластинчатых аппаратов у детей с зубочелюстными аномалиями или деформациями;

сравнительная оценка эффективности ранней диагностики и ортодонтического лечения у детей с наблюдаемыми челюстно-лицевыми аномалиями в зависимости от отдаленных результатов ортодонтического лечения.

**Объектом исследования** явились 440 пациентов с аномалиями и деформациями зубочелюстной системы в возрасте до 18 лет, обратившихся в ортодонтическое отделение специализированного детского стоматологического центра Бухарской области в течение 2019-2022 годов.

**Предметом исследования** явились результаты стоматологического, клинико-функционального, антропометрического исследований, пародонтальных и гигиенических показателей детей дошкольного и школьного возраста с зубочелюстными аномалиями и деформациями.

**Методы исследования.** Для выполнения задач использовались стоматологические, клинико-функциональные, антропометрические, ортодонтические и статистические методы исследования.

**Научная новизна исследования** заключается в следующем:

впервые было разработано ортодонтическое устройство, которое эффективно лечить полное трехстороннее сужение верхней челюсти биосимметрическим методом, без осложнений, быстро и удобным для пациента способом, при этом имеются две особенности, такие как наличие губных пилотов расслабляющих мышцы губ, увеличение силы отталкивания верхней челюсти в сагиттальном направлении и не имеющий аналогов.

впервые у детей, с челюстно-лицевыми дефектами путем установки obturator полости рта с первых дней жизни одновременно восстанавливались функции сосания, глотания, дыхания и в результате

